

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИГА ОИД НАЗАРИЯЛАР

Г.Тохилова

Андижон давлат университети Умумий психология кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7158482>

Аннотация. Мақолада шахс ижтимоийлашуви оид психолог олимларнинг назарий зоялари илгари сурилган. Мактабгача ёшдаги болалар ижтимоийлашувининг психологик хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: ижтимоийлашув, шахс, маданият, цивилизация, коммуникация, мулоқот, компонент, фаолият хулқ-атвор, “Мен” концепцияси, мезонлар, аспект, механизм.

ТЕОРИИ СОЦИАЛИЗАЦИИ ДОШКОЛЬНИКОВ

Аннотация. В статье представлены теоретические представления психологов относительно социализации человека. Выделены психологические особенности социализации детей дошкольного возраста.

Ключевые слова: социализация, личность, культура, цивилизация, общение, общение, компонент, деятельностное поведение, концепт «Я», критерии, аспект, механизм.

THEORIES ON THE SOCIALIZATION OF PRESCHOOL CHILDREN

Abstract. The article presents the theoretical ideas of psychologists regarding the socialization of a person. The psychological characteristics of preschool children's socialization are highlighted.

Keywords: socialization, personality, culture, civilization, communication, communication, component, activity behavior, concept of "I", criteria, aspect, mechanism.

КИРИШ

Ижтимоийлашув бу ҳар бир инсоннинг ҳаётини тўла тўқис ташкил этиши учун зарурий кўникмаларга эга бўлишидир. Инсонни бошқа тирик жонзотлардан фарқи у хулқ-атвори ва мулоқотга киришувчанлиги билан фарқ қилади. Индивидуал ижтимоийлашуви аввало оиладан бошланади. Илк ижтимоийлашув туғилгандан то етук шахс бўлгунча давом этади. Бола учун илк ижтимоийлашув жараёни муҳим бўлиб, у кейинги ҳаётида ижтимоийлашув учун асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоийлашув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари фалсафа, социология, ижтимоий психология, педагогика тарихи ва этнография соҳалари томонидан ўрганилади. Ҳозирги кунда ижтимоийлашув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари Чикаго ва Айовадаги символик интеракционизм мактаблари ва “Психодрама” йўналиши намояндалари томонидан ўрганилмоқда. Мактабгача ёшдаги болани ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик-психологик жараёнларни ташкил этишда онтогенетик, филогенетик ёндашувларни инобатга олиш зарур.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бугунги кунда ижтимоийлашув муаммоларини ўрганишда фалсафий, социологик, ижтимоий-психологик, тарихий-этнографик таҳлил натижасида яратилган услуб ва ёндашувлардан педагогика ва психологияда комплекс фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда. Жамиятнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган ижтимоий-

педагогик тизим, ижтимоий меъёр ва қадриятларни шахс томонидан ўзлаштириш жараёнидир.

Ижтимоийлашув функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий жараён таъсирида шахс шаклланади.
2. Маданият ва цивилизация тараққиётида ворисийликни таъминлайди.
3. Бола шахсини ижтимоий муҳитга мослаштириш орқали жамиятнинг бир маромда тараққий этишига замин яратади.

Болаларни ижтимоийлашуви бўйича хориж олимлари И.С.Кон, А.В.Мудрик, В.С. Мухина, А.В.Петровский ва бошқа олимлар тадқиқот олиб борганлар. Болаларнинг ижтимоийлашуви аввало оиладан бошланишини мазкур олимлар асослаган.

А.П.Ганичева, О.Л.Зверева, С.В.Куприяновалар оилавий тарбия асосида болаларнинг ижтимоийлашуви таъминланишини тасдиқлайдилар.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики, болаларнинг ижтимоийлашуви педагогик таъсир асосида амалга ошади, оила аъзолари ва тарбиячилар боланинг ўйин, меҳнат, мустақил фаолият жараёнида ака, укаси, опаси ва тенгдошлари билан мулоқот қилишларини ташкил қилади.

Ижтимоийлашув шахсининг маданият, коммуникация таъсири остида шаклланиш жараёнини ҳам англаиб, субъектларнинг бир-бири билан мулоқотга киришишларини таъминлайди. Бу жараён инсоннинг бутун ҳаёти давомида юз беради.

З.Фрейд боланинг ривожланишидаги айрим механизмларга аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, “боланинг камол топиши, шахс бўлиб шаклланишида ота-оналар билан бўладиган муносабатлар катта рол ўйнайди” [2]

Ижтимоийлашувнинг фалсафий талқинига Г.Тард асос солган. Шунингдек, ижтимоийлашув муаммолари З.Фрейднинг классик психоанализида, интеракционизмда, Л.Виготский ва А.Леонтьев ижодида, Т.Парсонснинг таркибий-функционал таҳлилида тадқиқ этилган.

Ж.Пиже бола шахсининг ривожланишида муҳим даврлар бўлишини асослайди, лекин бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишда ижтимоий таъсир муҳим деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, “шахсининг билиш фаолияти когнитив жараёнлар орқали юз бергани учун боланинг ижтимоийлашуви жамият талабларига мослашади, янги тажрибалар орқали мувозанатлашади” [8]

М.Мид ва Р.Бенедикт индивид ривожланишининг турли даврларида маданият, ота-оналарнинг таъсири қандайлигини текшириб, ҳар бир давр учун алоҳида ижтимоийлашув тўғри келишини кўрсатган. Ижтимоийлашув фақат болалик давригагина хос бўлмай, инсоннинг бутун ҳаёти давомида амалга ошади. Ижтимоийлашув икки ёқлама характерга эга бўлган жараён бўлиб, жамият тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Юнон файласуфи Платон “болаларда хулқ-атворни шаклланиши жамиятдаги хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини онгли равишда бажариш уларни ижтимоийлашув даражаларидаги зарур мезонлардан бири деб ҳисоблайди” [3].

Д.М.Болдуин фикрича “ижтимоийлашув жараёни болани ўзини баҳолашига ва шахсий сифатларига ҳам таъсир кўрсатади” [2; 47 -бет]. Олим ўйин ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини асослаган. Ўйин нафақат машқ қилиш шакли балки, ижтимоийлашув

инструменти сифатида катта ўрин тутди. Болаларни ҳаётдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга тайёрлайди.

Америкалик социолог Маргарет Мид “ болаларни ижтимоийлашуви турлича маданий кўникмалар ҳамда анъаналарга таянган жамиятда амалга ошади” ” [6;57 -бет]. деган фикрни илгари суради. Боланинг психик ривожланишда ижтимоий маданий омиллар етакчи рол ўйнашини тасдиқлайди. М.Мид илмий қарашларида турлича маданий кўникмалар бола шахсини ўзини ўзи англашини шакллантиради, ўзини баҳолаш мазкур миллатнинг маданий анъаналарига боғлиқлиги, болага таълим-тарбия беришнинг хусусиятлари, оилада ўзаро мулоқот қилиш кўникмаси етакчи эканлигини асослайди.

МУҲОКАМА

Мактабгача ёшдаги болаларни тенгдошлари билан мулоқот қилишини таъминлаш муҳимдир. Бу ёшда болалар диққатини катталардан тенгдошларига қарата бошлайди, мулоқотга киришиш аста-секин кенгайди. Мактабгача 3-4 ёш болалар тенгдошларига муносабатда бўлиш, мулоқот қилиш учун шерикларини осон алмаштира олса, 6-7 ёшда конкрет болалар билан мулоқот қилишга ҳаракат қилади. Гуруҳда табақалишиш пайдо бўлади, болалар ичидан лидер ажралиб чиқади, бошқа болаларни фаолиятини ташкил эта оладиган болалар ажралиб чиқиб, уларга симпатиясини кўрсата бошлайди. Тенгдошлари билан мулоқот жараёнида ўзини баҳолаш ривожланади борган сари мулоқотга мослаша боради. Атрофидаги болалар билан ўзини таққослайди имкониятлари ва ўзини кўпроқ намоён қилади. Атрофидагилар уни баҳолашлари учун турли хил фаолиятларда ўзини намоён қилади.

Ижтимоийлашувнинг муҳим аспекти шахс фаоллиги, ташқи таъсирларга нисбатан шахсий қарашлари билан тавсифланади. Шунинг учун шахснинг ижтимоийлашуви ва шаклланиши мақсадга йўналтирилган шароитларда ўзаро таъсир кўрсатиш, муҳитнинг бевосита таъсири, стихияли ва уюлмаганлик элементларида кўринади. “Ижтимоийлашув” ва “тарбия” тушунчалари Мақсадга йўналтирилган тарбия орқали ижтимоийлашув жараёни самарали кечади. Инсоннинг ижтимоийлашуви индивиднинг ҳаётини фаолият шартлари билан рўй беради. Мазкур жараён шахснинг маданий кўникмаларни эгаллаши, таълим ва тарбия, шунингдек, ижтимоий ҳаётда иштироки билан амалга ошади. Ижтимоийлашувнинг муваффақиятли кечиши хулқ-атворнинг ўзгариши ва жамият талабларига риоя этиш билан боғлиқ. Индивид ижтимоий сифатлар орқали шахсий тажрибани кашф қилади. Мактабгача ёшдаги болаларда “Мен” тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши мулоқот ва фаолиятсиз пайдо бўлмайди. Ижтимоийлашувнинг компонентлари фаолият, мулоқот ва ўз ўзини англашдан иборат. Бола фаолиятида шахсий сифатларини намоён қилади, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик ва шахсий фаоллигини кўрсатади. Мулоқот муҳитида болалар ўзи ва коммуникация жараёнидаги иштирокчиларни чуқур тушунади, ўзгалар билан ўзаро таъсир ва уларни идрок қилишни англайди. Ўз-ўзини англаш натижасида “Мен” концепцияси ривожланади, ижтимоий статусини эгаллайди, ижтимоий ролинини ўзлаштиради, ижтимоий қарашлар шаклланади, маънавий жиҳатдан тарбияланади. Психолог олимларнинг фикрича, ижтимоийлашув жараёнида индивиднинг атроф муҳит билан ўзаро таъсири, жамият ҳаёти ва ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиради. Шахснинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий вазиятлардаги иштироки билан намоён бўлади.

Юқорида келтирилганлар шахс муносабатларини ички ва ташқи фаолиятларида намоён бўлади, ижтимоийлашув жараёни мазмуни доим тўлақонли бўлмайди, агарда фақат ташқи белгиларига кўра баҳоланса. Ижтимоийлашув тарбия жараёнида амалга оширилади, ташкилий ва стихияли кечади бироқ доимо ҳам мақсадли бўлмаслиги ҳам мумкин.

Платон ўзининг “Давлат” ва “Қонунлар” деб аталган диалогларида шахснинг жамият билан алоқалари масаласига тўхталиб, жамият индивидга нисбатан ўзгармас бир бирликки, унинг тараққиёти жамият ривожланиши қонунларига бўйсунди, деган фикрни химоя қилган. Унга қарама-қарши фикрни Аристотель баён этиб, индивидни барча ижтимоий ўзгаришларнинг сабабчиси, чунки унда бунга имкон берувчи психологик тизимлар бор, деб ёзади. Яъни, шахс ва жамият ўртасидаги муносабат масаласи Платонда жамият фойдасига ҳал бўлган бўлса, Аристотелда бу нарса шахс фойдасига ечилган. Улардан кейинги-янги давр файласуфлари-Гоббс, Гельвеций, Локк, Руссо, Гегель, Макиавелли, шарқ файласуфларидан Беруний, Форобийлар ҳам барча асарларида шахс ва жамият қарама-қаршиликларини илмий асосда шарҳлашга уриндилар, лекин ҳеч қайсиси бу муаммони ижтимоий психологик муаммо даражасига кўтара олмади. [1,13-бет.] Мактабгача ёшдаги болалар ижтимоийлашув жараёнида шахсий сифатларни кашф этади, кундалик турмуш учун керак бўлган одоб ахлоқ меъёрларини ўзлаштиради. Болаларни ижтимоийлашув жараёни биологик, ижтимоий, маънавий ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ.

ХУЛОСА

Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоийлашуви мезонлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзгаларга тобе бўлмаслик, ишонччилик, мустақиллик.
- Жамиятдаги қадриятлар, стереотипларни шаклланганлиги.
- Хулқ- атвор меъёрларини мослашганлиги, турмуш тарзига татбиқ эта олиши.

Ўзаро муносабат ва ўзаро таъсирлар орқали ижтимоийлашув ривожланади ва болаларда “МЕН” ривожланади. Натижада ўзини намоён этиш. ўз потенциалини ўзгартириш, эҳтиёжларини қондириш, шахсий фикрларини сўзлаш, муаммо ечимларини ҳал этишда мустақил қарор чиқариш ва ташаббускорлик шаклланади. Бола шахсининг жамият меъёрлари ва қадриятларига амал қилишига эришилади.

REFERENCES

1. Акрамова. Ф.А. Ижтимоий психология: ўқув қўлланмаси.-Т., 2007. -166 б.
2. Болдуин Д.М. Духовное развитие с социологиче-. ской и этической точки зрения. Исследование по социальной психологии. М.: 1913
3. Виготский Л.С. Вопросы детской психологии-СПб.: Союз, 1997.-224 с
4. Галустова О. В. Шпаргалка по истории психологии: учеб. пособие. -М.: ТК Велби, 2005.-48 с.
5. Марцинковская Т.Д. История детской психологии: Учебник для студ.пед.вузов.-М.: Гуманит.изд. центр ВЛАДОС, 1998.-272 с.
6. Мид. М. Культура и мир детства. -М.:Наука,1988-429 с.
7. Немов Р.С Практическая психология:Познания себя.Влияние на людей.: Пособие для учащихся.-М.:Гуманит.изд.центр ВЛАДОС, 1998-320 с.

8. Педагогика: Энциклопедия. II жилд /тузувчилар:жамоа-“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Т.:2015- 376 б.
9. Пиаже Ж. Психология интеллекта. Питер.: 2003.-192 с
10. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. - Jild 2. – №. 01. – P.296-300.
11. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
12. Juraev R. X., QORAXANOVA L. M. fizika va biologiyani o'qitishda 10-sinf o'quvchilarining tadqiqot faoliyatini tashkil etish modeli / / innovatsiya, integratsiya va ta'lim bo'yicha xalqaro discourse jurnali. – 2021. - Jild 2. – №. 1. – P.295-299.
13. Karakhanova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY. – 2019. – С. 35-39.
14. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.
15. Jurayev R. K., Karakhanova L. M. Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – №. 8. – С. 3500-3505.
16. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
17. Juraev R. X., Karaxonova L. M. media ta'limi maktab o'quvchilarining ta'lim sifatini oshirish omili sifatida // hayot davomida ta'lim: barqaror rivojlanish uchun uzluksiz ta'lim. – 2013. - S. 322-323.
18. Караханова Л. М. DEVELOPMENT OF STUDENTS'KNOWLEDGE BASED ON THE USE OF 3D EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE BIOLOGY EDUCATION //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – №. 2. – С. 55-59.
19. Musaxonovna K. L. General secondary schools requirements for the introduction of informed educational resources for the development of natural sciences //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 5. – С. 855-860.
20. Juraev R. X., Karaxonova L. M. iqtidorli bolalarni ta'lim muassasalari tomonidan pedagogik qo'llab-quvvatlash //fan, ta'lim va amaliyot integratsiyasi. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. - Jild 3. – №. 4. - 66-70 betlar.
21. Karaxonova L. M. tabiiy fanlarni o'qitishda zamonaviy ochiq ta'limda yangi interaktiv elektron manbalar / / ta'lim fanlari bo'yicha akademik tadqiqotlar. – 2021. - Jild 2. – №. CSPI conference 1. - P. 1303-1305.

22. Karaxanova L. M. Development of students' knowledge based on the use of 3d educational technologies in the Biology education //Таълим ва инновацион тадқиқотлар.- Вухоро. – 2020. - 55-59 betlar.
23. Сафарова Р. Г. и др. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан химоя қилишнинг назарий-методологик асослари. – 2017.
24. Kharaxonova L. M. SPECIFIC ASPECTS OF MEDIA EDUCATION AND ITS USE IN HIGH SCHOOLS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 278-284.
25. Musakhonovna K. L. Peculiarities of using modern educational tools to increase the effectiveness of teaching the natural sciences and direct students to independent activities //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 5. – С. 182-191.
26. Kh D. R., Karakhonova L. M. Media education as a factor of increasing the quality of teaching schoolchildren //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2 (eng). – С. 287-288.
27. Караханова Л. МУЛЬТИМЕДИЙНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ ЗООЛОГИИ //Збірник наукових праць Уманського державного педагогічного університету. – 2011. – №. 1.